Янги йилингиз муборак бўлсин!

# Qishloq hayoti

2016 йил — Соғлом она ва бола йили

Қишлоқ ҳаётиi

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz 2016-YIL 1-YANVAR, JUMA, 1 (8552)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan
Bahosi kelishilgan narxda.


# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Азиз ватандошларим!

Мана шу файзли оқшомда байрам дастурхони атрофида тўпланиб ўтирган сиз, ҳурматли юртдошларимни, бутун Ўзбекистон халқини янги – 2016 йил билан самимий муборакбод этиб, барчангизга тинчлик-омонлик, сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга қут-барака тилашни ўзим учун катта бахт, деб биламан.

Мана, азизларим, қадрдонларим, бугун биз вақтнинг азим дарёдек шиддат билан ўтишига яна бир бор гувоҳ бўлиб, янги йилга, ҳаётимизнинг янги бир довонига қадам қўймоқдамиз.

Айни шу лаҳзаларда ўтаётган йилни кузатар эканмиз, йил давомида бошимиздан кечирган, ёнатрофимизда бўлиб ўтган ташвишли ва қувончли воқеаларни, амалга оширган ишларимизни беихтиёр кўз ўнгимиздан ўтказамиз, шу кунларга етказгани учун Яратганимизга шукроналар билдирамиз.

Мамлакатимиз ҳаётида юз бераётган беқиёс ўзгаришларни, хонадонларимиз, маҳалла, шаҳар ва қишлоқларимиз, бутун юртимизнинг қиёфаси тобора обод ва гўзал бўлиб бораётганини ҳисобга олиб, охирига етаётган йилимизга якун ясаб, холисона айтадиган бўлсак, 2015 йил биз учун ҳар томонлама хосиятли ва файзли бўлди, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Буларнинг тасдиғи ҳақида гапирганда, рухсатингиз билан айрим мисол ва рақамларни келтиришни ўринли, деб биламан.

Кейинги 11 йил давомида мамлакатимиз иқтисодиёти жаҳондаги камдан-кам давлатлар қаторида барқарор суръатлар билан ривожланаётгани, шу жумладан, 2015 йилда ҳам ялпи ички маҳсулотимиз ўсиши 8 фоиздан кам бўлмаганининг ўзи, ҳақиқатан ҳам, тарихий бир воқеадир, десак, адашмаган бўламиз.

Иқтисодиётимизнинг етакчи соҳа ва тармоқлари жадал тараққий топаётгани, юқори технологияларга асосланган замонавий корхоналарнинг ишга туширилаётгани, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб берилаётгани, ахборот-коммуникация тизимларининг ҳаётимизга фаол жорий этилаётгани, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг дунё бозорида рақобатдошлиги ортиб бораётгани – буларнинг барчаси биз эришаётган ютуқларнинг мустаҳкам пойдеворини ташкил этмоқда.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилаётган миришкор деҳқон ва фермерларимизнинг, турли қийинчиликларга қарамасдан, 7 миллион 500 минг тоннадан зиёд ғалла, 3 миллион 350 минг тонна пахта, 14 миллион 500 минг тоннага яқин сабзавот ва полиз, 4 миллион 300 минг тонна боғдорчилик маҳсулотлари етиштиргани бозор ва дўконларимиздаги мўл-кўлчиликни, нарх-навонинг меъёрида бўлишини таъминлашда катта ҳисса бўлиб қўшилди ва бунинг учун дала меҳнаткашларига ҳар қанча таҳсин ва тасаннолар айтсак, арзийди.

Ана шундай салмоқли натижаларимиз 2015 йилда аҳолимизнинг реал даромадларини 9,6 фоизга, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдорини 21,9 фоизга ошириш имконини берди.

Шулар қаторида халқимизнинг маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш, илму фан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт, турли гуманитар тармоқларни янги, замон талаб қиладиган босқичга кўтариш биз учун доим устувор йўналишлар қаторида бўлиб келмоқда.

Лекин, агар бугунги замон қандай шиддат билан ўзгариб бораётганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу соҳаларга, аввало, таълим-тарбия соҳасига эътиборимизни янада кучайтиришимиз даркор.

Чунки замон ўзгариши билан одам, инсон ҳам ўзгаради, унинг дунёқараши, ҳаётга, ҳаётдаги ўз роли ва бурчига муносабатлари ва қарашлари бир ҳолатда турмайди.

Айниқса, катта ишонч билан ҳаётга кириб келаётган азиз фарзандларимизни жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук ва баркамол инсонлар этиб тарбиялаш борасида амалга ошираётган дастурларимиз биз олдимизга қўйган буюк мақсадларга жавоб беришига ишончимиз мустаҳкам бўлиши зарур.

Лўнда қилиб айтадиган бўлсак, биз дунёдаги ривожланган, демократик давлатлар қаторига кўтарилишни энг юксак мақсадимиз сифатида қўйган эканмиз, бундай ўта муҳим ва масъулиятли вазифа, авваламбор, ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқаётган, замонавий билим ва тажрибага эга бўлган, мустақил фикрлайдиган, ватанпарварлиги ва ҳозирлиги билан ажралиб турадиган ёш авлодимиз зиммасига тушади.



Ўртага қўйилган бундай улкан вазифанинг нақадар чуқурлигини ва масъулиятини ҳисобга оладиган бўлсак, таълим-тарбия соҳасини ривожлантиришга маблағимизни ҳам, ўзимизни ҳам аямаслигимиз керак, деб ўйлайман.

Азиз дўстларим, қадрли юртдошларим!

2015 йил мобайнида мамлакатимизнинг кучқудрати ва салоҳиятини, халқимиз фаровонлигини янада ошириш, жаҳон майдонида Ватанимизнинг обрў-эътиборини юксалтириш йўлида янги-янги марраларни забт этганимиз, халқаро миқёсдаги нуфузли рейтингларда Ўзбекистоннинг юқори ўринларни эгаллаётгани ҳаммамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Тасаввур этишнинг ўзи ҳам қийин бўлган ана шундай улкан ютуқларимизни сарҳисоб қилиб, "Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?" деган нуқтаи назардан босиб ўтган йўлимизни баҳолар эканмиз, тўла ишонч билан айтмоқчиман: бундай юксак муваффақиятларнинг ижодкори ва бунёдкори бўлган, ана шу натижаларга эришиш йўлида машаққатли синовларда тобланган, мард ва танти халқимиз олдида, барча-барча ватандошларимиз олдида чин қалбдан таъзим қилишни ўзим учун катта шараф деб ҳисоблайман.

Муҳтарам дўстлар!

Мана шундай ҳаяжонли ва шукуҳли дамларда ҳар қайси инсон янги йилни кутиб олар экан, айни шу дақиқаларда қалбида, юрагида сақлаб келаётган эзгу орзу-умидларнинг ушалишини, оиласи, яқинлари, она юрти тинч-омон бўлишини, янги йил янада хайрли ва баракали бўлишини хаёлидан ўтказади.

Ишончим комилки, кириб келаётган 2016 йилимиз 2015 йилга нисбатан кам бўлмасдан, хосиятли ва самарали бўлишига тўлиқ асосларимиз бор. Бунинг учун олдинги йилларда мамлакатимизда ҳар томонлама мустаҳкам замин – пойдевор ташкил қилингани ҳеч кимга сир эмас. Шу билан бирга, кутилаётган турли қийинчилик ва тўсиқларни енгиш учун биз катта тажрибага эгамиз.

Мавжуд бўлган тўсиқ ва муаммолар ҳақида гапирганда, аввало, ташқи томондан пайдо бўлаётган омиллар, яъни, глобал молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётгани, дунё бозорларида вазият ноаниқ бўлиб қолаётгани, терроризм ва экстремизм балоси тобора кучайиб бораётганини ва бундай оғир муаммолар жаҳондаги кўпгина давлатлар бошига катта бир савдо бўлиб, шу жумладан, бизнинг елкамизга ҳам тушганини кўриш, кузатиш қийин эмас.

Бундай вазиятга қарамасдан, бизнинг прогноз ва ҳисоб-китобимиз шуни кўрсатадики, кириб келаётган 2016 йилда иқтисодиётимизнинг ўсиш суръатлари 7,8 фоизга, аҳолининг жон бошига тўғри келадиган реал даромадлари 9,5 фоизга, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақаларнинг миқдори турли манбалар ҳисобидан 15 фоизга ошиши кутилмоқда.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, 2016 йилда давлат бюджетида илму фан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт тармоқларини ўзида мужассам этган ижтимоий соҳани ривожлантиришга сарфланадиган маблағлар 2015 йилда ўзлаштирилган маблағларга нисбатан анча кўпроқ бўлиб, давлат бюджети умумий харажатларининг 59,1 фоизини ташкил этади.

Кириб келаётган йилда барча молиявий манбалар ҳисобидан иқтисодиётимизга 17 миллиард 310 миллион доллар миқдоридаги капитал қўйилмалар йўналтирилиб, уларнинг 23,5 фоизини чет эл инвестициялари ташкил этади.

Бир сўз билан айтганда, янги – 2016 йил кўпгина кўрсаткичлар бўйича якунига етаётган 2015 йилга нисбатан кам бўлмасдан, балки кўп соҳаларда ундан анча юқори ва зиёда бўлиши мўлжалланмоқда.

2016 йилда умумий қиймати 5 миллиард 500 миллион доллар бўлган 164 та йирик ишлаб чиқариш объектида қурилиш ишларини якунига етказиш ва уларни фойдаланишга топшириш кўзда тутилмоқда.

Шулар қаторида Толлимаржон иссиқлик электр станциясида ҳар бирининг қуввати 450 мегаватт бўлган иккита буғ-газ турбинаси, Ангрен иссиқлик электр станциясида 150 мегаватт қувватга эга бўлган энергия блоки қурилишини ниҳоясига етказиш, Олмалиқ кон-металлургия комбинатида 70 минг тонна мис ишлаб чиқарадиган металл эритиш корхонасини барпо этиш каби ўта муҳим лойиҳалар борлигини таъкидлаш лозим.

2016 йилда хитойлик шериклар ёрдамида Қамчиқ довонини кесиб ўтадиган 19 километрлик туннель қурилишини тугатиб, Фарғона водийсини бутун Ўзбекистон билан боғлайдиган темир йўл ишга туширилиши, шунингдек, "Тошкент – Самарқанд" тезюрар темир йўл қатновининг Бухорогача етиб бориши белгиланган.

Айни вақтда "Женерал моторс – Ўзбекистон" акциядорлик жамиятида "Т-250" моделидаги енгил автомобиллар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, Муборак газни қайта ишлаш заводида йиллик қуввати 80 минг тонна бўлган олтингугурт гранулалари тайёрлайдиган корхонани барпо этиш режалаштирилмоқда. Шунингдек, замонавий тракторлар, янги русумдаги мобиль телефонлар, планшет компьютерлари, ноутбуклар, телевизор ва холодильниклар, кондиционерлар ҳамда бошқа маиший электр техника буюмлари, кенг турдаги дори-дармон воситалари ишлаб чиқарадиган қувватлар ҳам фойдаланишга топширилади.

Келгуси йилда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси "Боинг-787" ҳаво лайнерларининг энг замонавий авлодига мансуб иккита янги самолёт билан таъминланиши мамлакатимиз фуқаро авиацияси ривожини янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Мамлакатимизда янги йилга "Соғлом она ва бола йили" деб ном берганимизни эл-юртимиз катта мамнуният билан кутиб олгани ва кенг қўллаб-қувватлаётгани, бу қарор замирида мужассам бўлган "Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади" деган ғоя халқимизнинг олижаноб орзуинтилишларига нечоғлик ҳамоҳанг эканидан далолат беради.

Қадрли ватандошларим!

Барчангизни бағримга босиб, кириб келаётган янги – 2016 йил билан яна бир бор қизғин табриклайман.

Мана шу ҳаяжонли дақиқаларда сиз, азизларга қалбимнинг тўрида бўлган энг самимий тилакларимни изҳор этаман:

муҳтарам фахрийларимизнинг умрлари узоқ бўлсин,

мунис аёлларимизнинг чеҳрасидан табассум аримасин,

дилбар қизларимиз янада гўзал ва чиройли, бахтли-саодатли бўлсин,

ёшларимизнинг бахту иқболини берсин.

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

---

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## Р.ИРМАТОВНИ «БУЮК ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизнинг спорт соҳасидаги шон-шуҳратини юксалтириш, халқаро майдонда ўзбек футболи нуфузини ошириш, миллий футбол ҳакамлари мактабини ривожлантириш борасидаги катта хизматлари ҳамда ёш авлодни она-Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси учун Ўзбекистон футбол федерациясининг халқаро тоифадаги ҳаками, ФИФА рефериси Равшан Сайфиддинович Ирматов "Буюк хизматлари учун" ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2015 йил 31 декабрь

---

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

*Янги – 2016 йил кириб келиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига қатор хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар, етакчи компаниялар ва жамоат арбоблари Президентимиз ва Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва омонлик тилаб, ўзларининг эзгу ниятлари изҳор этилган самимий қутловларини йўллашда давом этмоқдалар.*

*Жумладан, қуйидагилар ўз табрикларини йўлладилар:*

Япония Бош вазири – **Шиндзо Абэ**

Германия Федератив Республикаси Федерал Президенти – **Йоахим Гаук**

Германия Федератив Республикаси Федерал Канцлери – **Ангела Меркель**

Европа Кенгаши Президенти – **Дональд Туск**

Чехия Республикаси Президенти – **Милош Земан**

Венгрия Президенти – **Янош Адер**

Исландия Президенти – **Олавур Рагнар Гримссон**

Кувайт Давлати Амири – **Шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ**

Миср Араб Республикаси Президенти – **Абдул Фаттоҳ ас-Сиси**

Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти – **Абдулазиз Бутефлика**

Эрон Ислом Республикаси Президенти – **Ҳасан Руҳоний**

Афғонистон Ислом Республикаси Президенти – **Муҳаммад Ашраф Ғани**

Озарбайжон Республикаси Президенти – **Илҳом Алиев**

Беларусь Республикаси Президенти – **Александр Лукашенко**

Арманистон Республикаси Президенти – **Серж Саргсян**

Мўғулистон Президенти – **Цахиагийн Элбэгдорж**

Янги Зеландия Генерал-губернатори – **Жерри Матепарае**

Колумбия Республикаси Президенти – **Хуан Мануэль Сантос**

Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши раиси – **Валентина Матвиенко**

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби – **Дмитрий Мезенцев**

НАТО Бош котиби – **Йенс Столтенберг**

БМТ Бош котибининг махсус вакили, Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича Минтақавий марказ раҳбари – **Петко Драганов**

"Лукойл" компанияси президенти – **Вагит Алекперов**

"Лотте Групп" компанияси бошқаруви раиси – **Шин Донг Бин**

Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети ректори – **Виктор Гришин**

*Табрикномалар келиши давом этмоқда.*

# ВАТАННИ УЛУҒЛАШ – ЭНГ ОЛИЙ БАХТ

*Пойтахтимиздаги "Олимпия шон-шуҳрати" музейида Ўзбекистон футбол федерациясининг халқаро тоифадаги ҳаками, ФИФА реферcharacterиси Равшан Эрматовга Ватанимизнинг юксак мукофоти – "Буюк хизматлари учун" ордени ҳамда Президентимиз совғаси – "Malibu" автомобилини топширишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.*

Тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёшларнинг ўз ақл-заковати, истеъдодини тўла намоён этиши, маҳоратини муттасил ошириб бориши, юксак маънавиятли, баркамол авлод бўлиб вояга етиши учун барча шароит ва имкониятлар яратилаётгани алоҳида таъкидланди. Бунинг натижасида мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан жисмонан соғлом, маънан етук, халқаро майдонларда Ватанимиз шон-шуҳратини улуғлашга қодир спортчилар етишиб чиқаётир.

Мамлакатимизда футболни ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор ва ғамхўрлик ўзининг юксак самараларини бермоқда. Президентимизнинг 2006 йил 1 майдаги "Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ва 2011 йил 19 январдаги "2011-2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари ўзбек футболи тараққиётини янги босқичга кўтарди.

Юртимизда барча спорт турлари қатори футбол ҳам тубдан ислоҳ қилинди. Футбол бўйича болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, ихтисослашган мактаб-интернатлари ва футбол академиялари фаолият кўрсатмоқда, жаҳон талабларига жавоб берадиган замонавий футбол стадионлари барпо этилмоқда, мавжудлари қайта реконструкция қилинмоқда. Етук футболчиларни тарбиялаш, малакали мураббий ва ҳакамлар тайёрлашни янада кучайтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўтган йилларда ёш футболчиларимиз дунёнинг қатор давлатларида ташкил этилган жаҳон ва Осиё чемпионатларида муносиб иштирок этди.

ФИФА реферcharacterиси, машҳур ўзбек ҳаками Равшан Эрматов эришаётган натижалар бунинг яққол исботидир.

2003 йилдан буён ФИФА таснифидаги мусобақаларни бошқариб келаётган Р.Эрматов футбол бўйича деярли барча нуфузли турнирларда ҳакамлик қилмоқда. Ўзбек ўғлони 2008, 2009, 2010, 2011 ва 2014 йилларда беш маротаба "Осиёнинг энг яхши ҳаками" деб эътироф этилди. Халқаро футбол уюшмалари федерацияси уни 2011 йилда "Жаҳоннинг энг яхши ҳаками" сифатида тан олди. Мамлакатимиз ва халқаро миқёсдаги мусобақаларни юқори савияда бошқариб келаётган Р.Эрматов 2013 йил якунлари бўйича ҳам дунёнинг энг кучли ҳакамлари рейтингининг юқори поғоналаридан жой олган.

Равшан Эрматовнинг 2010 йили Жанубий Африка Республикаси ва 2014 йили Бразилияда ўтказилган футбол бўйича жаҳон чемпионатларида кетма-кет иштирок этиши Ўзбекистон спортининг улкан ютуғи бўлди. 2010 йилги чемпионатнинг очилиш маросими ва яна тўртта учрашувни аъло даражада бошқариб, дунёга Ўзбекистон спортчиларининг салоҳияти ва қудратини намоён эта олган ўзбек ҳаками Бразилиядаги мундиалда жами тўртта учрашувни муваффақиятли бошқарди. Р.Эрматов ҳакамлик фаолияти давомида жаҳон чемпионатлари финал босқичида энг кўп – 9 учрашув бошқариб, дунё рекордини ўрнатди. Бу билан ўзбек спортчилари ҳам дунёда ҳеч кимдан кам эмаслигини амалда яна бир карра исботлади.



Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) сурат.

Равшан Эрматов Президентимиз Ислом Каримов фармонларига мувофиқ 2010 йили "Ўзбекистон ифтихори" фахрий унвони, 2014 йилда "Эл-юрт ҳурмати" ордени билан мукофотланди.

Машҳур футбол ҳаками Равшан Эрматов яқинда футбол оламининг нуфузли мукофотларидан бири – "Globe Soccer Awards – 2015" совринини қўлга киритди.

Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида ташкил этилган маросимда "Globe Soccer Awards – 2015"нинг турли номинациялар бўйича ғолиблари тақдирланди. Мукофотнинг "Энг яхши ҳакам" йўналишида Равшан Эрматов билан бир қаторда Жунейт Чақир, Вильмар Рольдан, Хоэль Агилар, Бакари Гассама ва Норберт Хауата сингари дунёнинг энг тажрибали рефериلари ҳам даъвогарлик қилганди. Нуфузли ҳайъат аъзолари совринга ўзбек ўғлонини муносиб, деб топди.

Бу мамлакатимиз спорти салоҳиятининг, Ўзбекистон ёшлари ҳеч кимдан кам эмаслиги ва ҳеч қачон кам бўлмаслигининг яна бир халқаро эътирофи бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 31 декабрдаги фармонига мувофиқ мамлакатимизнинг спорт соҳасидаги шон-шуҳратини юксалтириш, халқаро майдонда ўзбек футболи нуфузини ошириш, миллий футбол ҳакамлари мактабини ривожлантириш борасидаги катта хизматлари ҳамда ёш авлодни она-Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси учун Р.Эрматов "Буюк хизматлари учун" ордени билан тақдирланди.

Ватанимизнинг юксак мукофоти – "Буюк хизматлари учун" орденини ва Президентимиз совғаси – "Malibu" автомобили калитини Р.Эрматовга Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев тантанали равишда топширди.

– Халқаро майдонларда Ватанимизни шарафлаш, унинг обрўси юксалишига ҳисса қўшиш – энг олий бахт, – деди Равшан Эрматов. – Нуфузли мусобақаларда ҳеч кимдан кам эмаслигимиз ва кам бўлмаслигимизни исботлашдек эзгу мақсадимизга етишаётганимиздан хурсандмиз. Бу Юртбошимиз раҳнамолигида спортга, спортчиларга, жумладан, футболни ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор ва ғамхўрлик самарасидир. Камтарона меҳнатларимни Ватанимизнинг юксак мукофоти билан тақдирлагани учун Президентимизга чексиз миннатдорлик билдираман. Бу катта ишонч янада юксак марралар сари рағбатлантиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси З.Низомхўжаев, Ўзбекистон халқ шоири С.Саййид, Ўзбекистон халқ артисти М.Азизов ва бошқалар спортни ривожлантириш ва ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кўрсатаётган улкан ғамхўрлиги учун Президентимиз Ислом Каримовга чуқур миннатдорлик изҳор этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Д.Назармуҳамедов иштирок этди.

**Байрам АЙТМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Хоразм Вилояти

МЕЛИОРАЦИЯ

**Мана, юртимизга зафарлар, кишилар қалбига тинчлик-хотиржамлик, оилаларга фаровон ҳаёт бахшида этган 2015 йил ҳам ортда қолди. Халқимизда шодиёна кунларга меҳнат зафарлари билан келиш, байрам тантаналарини уюшқоқлик, бир-бирига ўзаро ҳурмат-эҳтиром билан кўтаринки руҳда ўтказиш одат тусига кирган. Шу кунларда қайси меҳнат жамоасида бўлманг, ким билан суҳбатлашманг, аввало, тинч, осуда ва фаровон ҳаёт кечираётганимиз учун Яратганга беҳисоб шукроналар айтади, замонамизга кўз тегмасин, дейди.**

# ЗАМИН СОҒ, ХИРМОН САРБАЛАНД

Шундай қутлуғ кунларда миришкор деҳқонларимизнинг яратувчанлик меҳнатларида яқин кўмакдош бўлаётган вилоят мелиораторлари томонидан амалга оширилган ишлар билан танишдик.

Аввало, шуни таъкидлаш жоизки, Амударёнинг энг қуйи қисмида жойлашган воҳа табиатан сув йиғилиш зонасига кириб, ер ости сизот сувларининг жуда секин оқиши ва асосан тупроқдаги намлик кўпинча тик ҳолда алмашиб-буғланиб туриши сабабли воҳа тупроғи шўрланишга мойилдир. Шунинг учун юқори ҳосилдорликка эришиш, биринчи галда, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, коллектор-зовур тизимларини қуриш ва ривожлантиришга боғлиқ.

Президентимизнинг 2007 йил 29 октябрдаги "Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ҳамда 2013 йил 19 апрелдаги "2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорини ўзларининг дастуриламали деб билган жамоа аъзолари кўламдор ишларни амалга оширмоқдалар. Вилоятда 265 415 гектар суғориладиган ер майдони бўлиб, унинг 57,3 фоизи кучсиз, 30,7 фоизи ўртача, 12,2 фоизи эса кучли шўрланган далалардан ташкил топганлиги пахта, ғалла, шунингдек, бошқа қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олишни таъминлашда суғориш ва захқочириш тармоқларининг доимо ишчи ҳолатида бўлишини талаб этади.

2015 йилда 20 та лойиҳа бўйича режалаштирилган объектларда 1587,9 километр узунликдаги таъмирлаш ва тиклаш ишлари амалга оширилганлиги туфайли 24780 гектар ернинг мелиоратив ҳолати тубдан яхшиланиши кутилмоқда. Вилоятда тизимли равишда ўтказилаётган бундай тадбирлар бугунги кунда ўз самарасини кўрсатмоқда.

– Ер ости сувлари сатҳининг жойлашуви ўсимликларнинг ривожланиш даврида 2007 йилда 131 сантиметрни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2014 йилда 8 сантиметрга камайди. Натижада кучли шўрланган майдонлар 2007 йилдаги 39041 гектардан 2015 йилга келиб 31912 гектарга камайди, – дейди Хоразм мелиоратив экспедицияси бош мутахассиси Йўлдошбой Полвонов. – 2008-2015 йилларда вилоятимиз бўйича 10675 километр узунликдаги коллекторларда мелиоратив тадбирлар ўтказилиб, 229464 гектар экин майдонларида ер ости сувлари сатҳи тушишига, шўрланиш даражаси пасайишига эришилди. Натижада пахта ҳосилдорлиги 2,6 центнерга, ғалла ҳосилдорлиги 3,5 центнерга ошди.

Ҳақиқатан ҳам қилинган ишлар самараси қишлоқ хўжалигининг барча жабҳаларида кўзга ташланмоқда. Ҳазорасп, Боғот, Хонқа, Янгиариқ, Гурлан туманларидаги "Ғофур-Руҳия", "Дилшод", "Мадир-Хонқа", "Жонибек", "Истиқлол Самар" каби фермер хўжаликларида пахта ҳосилдорлиги 50-55, ғалла ҳосилдорлиги 65-70 центнерни ташкил қилгани ва бундай илғор жамоалар сафининг йилдан-йилга ошиб бораётганида мелиораторларнинг ҳам ҳиссалари катта бўлмоқда.

Ҳа, миришкор бободеҳқонларимиз айтганларидек, ер соғлом бўлса, хирмонлар сарбаланд бўлаверади.

**Холмурод ҚУРБОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Наманган Вилояти

ФАРОВОНЛИК

# ЁРҚЎРҒОНЛИКЛАРГА ЁРДИР БУГУН ДАВРУ ДАВРОН

**Уйчи туманидаги Ёрқўрғон қишлоғининг мустақилликдан аввалги ҳолатини таърифлаш учун жуда кўп ёзиш талаб этилмайди. Бу ерда ўша пайтларда пастқам, лойсувоқ уйлар, бармоқ билан санарли дўкон, сартарошхона, мактаб ва боғчагина бор эди. Енгил машина, совиткич, телевизор эса бир-икки хонадондагина бўларди...**

Мустақиллик йилларида Ёрқўрғонда ҳам катта ўзгаришлар рўй берди. 28 минг нафардан кўпроқ аҳоли истиқомат қилаётган ҳудудда бугун 5 та мактаб фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда болаларнинг пухта билим олишлари учун барча шароитлар яратилган. Ёрқўрғон иқтисодиёт ва компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежида эса минг нафардан зиёд ёшлар пухта билим ва касб-ҳунар эгаллашмоқда.

2015 йилда Боғкўча маҳалласида "Абдуллаев Шерзод Олимжонович" хусусий корхонасига қарашли савдо дўкони фойдаланишга топширилди. Эндиликда ёрқўрғонликлар учун қурилиш материалларини Наманган шаҳри, Уйчи марказидан олиб келишга ҳожат қолмади. Тадбиркор Ҳалимжон Мамажоновнинг ташаббуси билан эса чорва молларига омихта ем сотиш йўлга қўйилди.

"Ягона дур савдо" МЧЖга қарашли "Толзор" савдо мажмуаси қишлоқ кўркига янада кўрк қўшди. Унда миллий таомлар ошхонаси, "Оталар чойхонаси" фаолият кўрсатиб келаётир. Айни пайтда Янгичек маҳалласи тадбиркори Жаҳонгир Латифбоев томонидан қурилаётган замонавий кўринишдаги уч қаватли савдо ва маиший хизмат мажмуасида ҳам сўнгги пардозлаш ишлари олиб борилаётир.

Бугун Ёрқўрғонда 6 та тикувчилик цехи, 7 та пойабзал таъмирлаш устахонаси, 9 та қассобхона, 4 та чойхона, 5 та новвойхона, 5 та автомобилларни таъмирлаш ва 2 та мебелсозлик устахоналари, 2 та суратхона, 30 та сартарошхона, 54 та хизмат кўрсатиш шохобчаси аҳолига хизмат кўрсатяпти. 35 нафар фуқаро чорвачилик, паррандачилик, 90 нафар тадбиркор иссиқхона йўналишида фаолият олиб бормоқда.

Еттита маҳалла ҳудудидаги 9 та ўйингоҳ, сунъий қопламали футбол майдони, сузиш ҳавзаси, 3 та қишлоқ врачлик пункти аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

– Бундай давру давронларнинг қадрига етишимиз, мустақиллигимизни, тинч-осойишта замонимизни кўз қорачиғидек асрашимиз керак, – дейишади қишлоқ нуронийлари.

**Равшан МИРЗАОЛИМОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Қашқадарё Вилояти

Қишлоқ хўжалиги тараққиётини механизаторлар меҳнатисиз тасаввур этиб бўлмайди. Улар нафақат пахта ва ғаллачиликда ҳалол, фидокорона меҳнат қилмоқдалар, балки интенсив боғ-роғларнинг гуллаб-яшнаши, сабзавотчилик, полизчилик сингари соҳаларнинг ривож топишида ҳам жонбозлик кўрсатмоқдалар.

# ЮРТ РАВНАҚИ, ЭЛ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

Муллатўйчи Тошмуҳамедов номли вилоят мусиқали драма театрида бўлиб ўтган тадбирда қишлоқ хўжалиги соҳаси равнақига муносиб ҳисса қўшиб келаётган механизаторлар шарафланди.

Тадбирда сўз олганлар механизаторлар меҳнати, улар шижоатининг аграр тизим истиқболидаги ўрнини алоҳида эътироф этдилар. Бир қатор хорижда ишлаб чиқарилган замонавий техникаларни моҳирлик билан бошқараётган механизаторлар ўз меҳнатлари орқали юрт равнақи, эл фаровонлиги йўлида фидойиликларини намоён этаётирлар.

– Биз ушбу тадбирга Китоб туманидан келиб иштирок этяпмиз, – дейди механизатор Фозил Мардонов. – 30 йилдан буён техника бошқараман. Кўп йиллик тажрибам иш жараёнида асқотяпти. Шу йиллар мобайнида 10 нафар шогирд ҳам тайёрладим. Истиқлол йилларида механизатор меҳнатига бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Бундай ҳурмат-эҳтиром, соғлиғимиз, дам олишимиз ҳақида ғамхўрлик фақат мустақиллик туфайли бўляпти. Бунинг учун Юртбошимизга раҳматлар айтамиз.

Тадбирда вилоят ҳокими З.Рўзиев иштирок этди.

**Ҳусан ТЕМИРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Жиззах Вилояти

САНОАТ

# БУГУНГИ ҲАРАКАТ – ЭРТАНГИ ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ

**Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 18 мартдаги "Жиззах" махсус индустриал зонасини ташкил этиш тўғрисида"ги фармони вилоят саноатини ривожлантиришнинг янги босқичини бошлаб берди. Мазкур ҳуқуқий ҳужжат асосида воҳада нафақат ички бозорга мўлжалланган, балки экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган бир қатор корхоналар фаолияти йўлга қўйилди.**



Биргина "Қуёш иссиқлик энергияси" масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхона томонидан 150, 250, 300 литр сувни қуёш энергияси билан 40 даражадан 70 даражагача иситиб берувчи ускуналар ишлаб чиқариляпти. Хитойнинг "Hangzhou zhongwu electronic meters Co. LTD" корхонаси эса "Жиззах ҳудудий электр тармоқлари" ҳамда "Электрон ҳисоблагич" масъулияти чекланган жамиятлари ҳамкорлигида ташкил этган саноат қувватида эҳтиёжга кўра бир йилда эллик минг дона маҳсулот тайёрлаши мумкин. Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун 3 миллион 345 минг АҚШ доллари сарфланди. Агар дунёда нефть, газ, кўмир захираларининг камайиб бораётгани, муқобил энергия манбаларининг камхаржлиги ва экологияга зарар етказмаслиги ҳисобга олинса, бу корхона маҳсулотларига эҳтиёжнинг йилдан-йилга ортиб боришини сезиш қийин эмас.

Ҳудуддаги "Auto pad systems" масъулияти чекланган жамияти шаклидаги Ўзбекистон – Хитой қўшма корхонасида 30 турдаги енгил автомобиллар, 40 турдаги юк машиналари учун тормоз колодкалари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шунингдек, тоғ-кон металлургияси соҳаларида фойдаланиладиган юк ташиш ва ортиш ҳамда бурғулаш техникалари, автобуслар, поездлар ва метрополитен вагонлари учун колодкалар тайёрлаш ўзлаштирилди. Марказий Осиёда ягона бўлган мазкур корхонада бир ойда енгил автомобиллар учун 30 минг жуфт, йирик транспортлар учун 20 тонна тормоз колодкалари тайёрлаш имконияти мавжуд. Ишлаб чиқариш муассасаси 60 хил турдаги ускуна ва дастгоҳларга эга.

Индустриал зонадаги яна бир Ўзбекистон – Хитой қўшма корхонаси бўлмиш "Master screw systems" масъулияти чекланган жамиятида 20 миллиметрдан 65 миллиметргача бўлган 10 турдаги бурама михлар ишлаб чиқарилмоқда. Корхона ойига 250 тонна бурама михлар тайёрлаш қувватига эга. Шунингдек, муассасада 12 та ускунада ойига 140 тонна профиль маҳсулотлари тайёрлаш имконияти мавжуд. "Master screw systems"ни ишга тушириш учун 4 миллион АҚШ доллари сарфланди. Ушбу корхонага ёндош "Master bilding products" корхонасида Туркия ва Хитой технологиялари асосида ойига 750 тонна юқори сифатли турли ҳажмдаги полиэтилен қувурлар ва 120 турда фитинглар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Саноатлашган тикув машиналари ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Juita gulshani" корхонаси фаолиятини йўлга қўйиш учун 2 миллион 400 минг АҚШ доллари сарфланди. Корхона Япониянинг таниқли "Juita" компанияси технологияси асосида ускуна ва жиҳозлар билан таъминланди. Йилига 15 минг дона маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятига эга корхона Марказий Осиёда ягонадир. "Juita gulshani" жамоаси мамлакатимиздаги енгил саноат корхоналарига йилига 10 минг дона тикув дастгоҳлари етказиб беришни режалаштирган. Шунингдек, маҳсулотнинг 20 фоизини экспорт қилиш мўлжалланмоқда. Уч хил тикув дастгоҳлари ишлаб чиқарилаётган саноат қувватида 2018 йилгача яна 4 турдаги тикув машиналари ҳамда 50 фоиз бутловчи қисмларни тайёрлашга эришилади. Тикув машиналарининг ўзимизда ишлаб чиқарилаётгани мамлакатимиз енгил саноат корхоналари, тадбиркорлик субъектлари ҳамда аҳолининг бу борадаги эҳтиёжини самарали қондириш ҳамда йилига 2 миллион АҚШ миқдоридаги маблағнинг тежалиши учун хизмат қилди.

Мазкур корхонада йилига 540 минг килограмм синтетик иплар, 3 миллион 600 метр пластик, 1 миллион 800 минг метр металл илдирмалар 288 минг килограмм шаффоф халталар, 144 минг квадрат метр ҳажмдаги безак тошлари тайёрлаш имконияти юзага келтирилди. Бу турдаги маҳсулотлар вилоятда изчил равнақ топаётган енгил саноат қувватлари учун айни муддао, десак адашмаймиз.

Ҳудудда фаолияти йўлга қўйилган "Ёрқин чироқлар" корхонасини хорижликлар билан амалга оширилган самарали лойиҳалар сирасига киритиш мумкин. Светодиод чироқлар ва прожекторлар тайёрланадиган ушбу саноат қувватини ишга тушириш учун Жанубий Кореянинг "Owell" корпорацияси ҳамда "Жиззах ҳудудий электр тармоқлари"нинг икки ярим миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағи сарфланди. Яхши маълумки, светодиод чироқлар ҳар жиҳатдан тежамли ҳисобланади. Мутахассислар таъкидига кўра, мамлакатимизда айни вақтда 60 ваттли 43 миллион дона чўғланма чироқлардан фойдаланилмоқда. Агарда бу чироқлар светодиод лампаларга алмаштирилса, юртимизда йилига 5 миллиард киловатт электр қуввати ёки 1,6 миллиард куб метр табиий газ ёки 5 миллион тонна кўмирни тежаш имконияти пайдо бўлади. Қолаверса, светодиод лампаларнинг 30 минг соатдан 50 минг соатгача ишлаши кафолатланган. Бу маҳсулот 50 даража совуққа, 70 даража иссиққа чидамли ҳисобланади.

Индустриал ҳудудда 2015 йилда ишга туширилган саноат қувватларидан яна бири "Roison Home White Goods" қўшма корхонасидир. Мазкур ишлаб чиқариш муассасаси йилига 100 минг дона музлаткич, 50 минг дона кондиционер, 50 минг дона кир ювиш машинаси, 100 минг дона газ плитаси, 100 минг дона "LED" телевизорлари, 50 минг дона чангютгич, 200 минг дона микротўлқинли печь ишлаб чиқариш қувватига эга.

Соғлом она ва бола йилида ҳам вилоят саноатида юксалишлар катта бўлади. Чунончи, 234 та ишлаб чиқариш корхонаси фаолиятини йўлга қўйиш режалаштирилган. Бу мақсадда 577,7 миллиард сўм сарфланади. Хусусан, "Жиззах" махсус индустриал зонасида 11 та корхона иш бошлаши кутиляпти. Шунингдек, 2016 йилда вилоят иқтисодиётида устувор аҳамият касб эта бошлаган енгил саноат равнақи учун 129,4 миллиард сўм сарфланади. Мазкур йўналишда 42 та лойиҳа ҳаётга татбиқ этилади. Буларнинг ҳаммаси республикамиз иқтисодиётининг юксалиши, аҳоли турмуш фаровонлигининг ортиши учун хизмат қилади.

**Алижон АБДУСАТТОРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

2016 ЙИЛ – СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛИ

# ОИЛА СОҒЛОМ – ЖАМИЯТ СОҒЛОМ

*Никоҳдан олдинги тиббий кўрикда бўлғуси куёвда ирсиятга таъсир этувчи хасталик борлиги аниқланди. Тўй куни белгилаб қўйилган. Қолаверса, куёв томон ўз нуқсонини хаспўшлаш мақсадида қизнинг ота-онасини сарпо ташвишидан халос этди. Қудаларининг бундай "қўли очиқлиги"дан бошлари осмонга етган ота-она қизининг эртанги тақдирини ўйлаш, шифокорлар тавсиясига риоя этишдан кўра, дабдабали тўй кўришга кўпроқ иштиёқманд бўлди.*

*Бироқ ҳали 17 ёшга тўлмаган, орзулари поймол бўлаётган қиз бунинг салбий оқибатларини яхши англарди. Шу боис у атрофдагилардан нажот кутади. Унга ўзи ўқиётган коллеждаги "Ораста қизлар" тўгарагининг аъзолари кўмакка келди. Ўқитувчилар, жамоатчиликнинг саъй-ҳаракати билан муаммога ечим топилди – тўй тўхтатилди.*

Бу – пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур тумани ФҲДЁ бўлими қошидаги ёш оила қурувчилар мактабида Тошкент гидрометеорология касб-ҳунар коллежи ўқувчилари ижро этган "Муқаддас қўрғон" мавзуидаги саҳна кўриниши.

– Бундай муаммолар кам бўлса-да учраб турибди, – дейди Шайхонтоҳур тумани ҳокимининг ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Сурайё Пўлатова. – Ушбу долзарб масалаларга нисбатан ёшларда холис фикр, оқилона муносабат мавжудлиги барчамизни қувонтирди. Чунки ёшлар эртанги кунимизнинг давомчиларидир. Уларнинг жамият тараққиётига рахна солувчи муаммоларга онгли муносабатда бўлиши, оила олдидаги ўз ҳуқуқ ва масъулиятини тўлиқ англаши, ўзи ва яқинларининг тақдирига бефарқ бўлмаслиги соғлом оилалар барпо бўлишига хизмат қилади. Шу боис, туман ФҲДЁ бўлими қошидаги ёш оила қурувчилар мактабида бундай тадбирларни тез-тез ташкил этиб, уларга таълим масканларининг ўқитувчилари, ўқувчилар, ота-оналарни таклиф қилаяпмиз.

Дарҳақиқат, соғлом оила барпо этиш, оналик ва болаликни тиббий-ижтимоий муҳофазалашда тўйдан олдинги тиббий кўрикнинг аҳамияти катта. Шуни назарда тутган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги "Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори асосида никоҳланувчи ёшлар тўйдан олдин ирсиятга таъсир этувчи бешта касаллик – ОИВ вируси, сил, гиёҳвандлик, руҳий ва тери-таносил касалликларига оид тиббий текширувлардан ўтмоқда. Туманлардаги кўп тармоқли марказий поликлиникалар, диспансерларда ушбу тиббий кўрикларни тез ва аниқ амалга ошириш учун барча шароит яратилган.

– Янги ҳаёт остонасида турган ёшлар бўлимимизга ариза билан мурожаат қилгач, улар тегишли тартибда тиббий кўрикка йўлланади, – дейди Шайхонтоҳур тумани ФҲДЁ бўлими мудири Озода Абдуазизова. – Тиббий кўрик жараёнида ирсиятга таъсир этувчи касалликлар ҳам учраб туради. 2015 йилда йигирмадан ортиқ ана шундай ҳолат қайд этилди. Бундай шароитда бўлажак келин-куёвларнинг ҳар иккисига ҳам вазият тушунтирилади. Бироқ баъзи ёшлар, ҳатто ота-оналар ҳам тўйни тўхтатмасликка қарор қилади. Улар кейинчалик қилмишидан пушаймон бўлганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Бундай муаммоларга кўпинча аҳолининг тиббий маданияти етишмаслиги, қонунчилигимизда белгиланган тамойилларнинг мазмун-моҳиятини тўлиқ англамаслик сабаб бўлмоқда. Шу боис, аҳоли, хусусан, ёшлар орасида ушбу йўналишдаги тарғибот ишларини кенгайтириш, йигит-қизларга соғлом оила барпо этишнинг ҳуқуқий, тиббий, маънавий асосларини чуқур сингдиришга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз.

Мамлакатимизда аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар бу борадаги вазифаларни ҳаётга татбиқ этишга хизмат қилаётир. Таълим масканларида ёшларимизга замонавий андозалар даражасида билим бериш баробарида уларнинг тиббий ва ҳуқуқий дунёқарашини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимида тиббий-профилактика тадбирларини оилаларга яқинлаштириш, аҳоли орасига чуқур кириб бориш, тиббий-ижтимоий ҳимояга йўналтирилган лойиҳаларни тизимли асосда ташкил этиш бўйича замонавий тизим яратилган ва бу жараён изчил такомиллаштирилмоқда.

ФҲДЁ бўлимлари қошида ташкил этилган ёш оила қурувчилар мактаблари бу борадаги тадбирларнинг узвийлигини таъминлашга хизмат қилаётир. Ушбу мактаблардаги мулоқотларга бўлажак келин-куёвлар билан бир қаторда коллежлар ўқувчилари ҳам мунтазам жалб этилади. Бундан мақсад ёшларни оила ва никоҳ қонунчилиги билан таништириш, йигит-қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, соғлом оилани барпо этишда ёшларнинг масъулиятини ошириш, тиббий билим ва дунёқарашини юксалтириш, тўйдан олдинги тиббий кўрикнинг аҳамиятини изчил татбиқ этишдир.

Шайхонтоҳур тумани ФҲДЁ бўлимида ташкил этилган ана шундай мактаб машғулотларига тумандаги еттита коллеж ўқувчилари қамраб олинаётир. Ҳар ойда бир марта ташкил этиладиган машғулотлар оила мустаҳкамлиги, инсон саломатлиги, оналик ва болалик муҳофазаси, никоҳ масъулияти, репродуктив саломатлик каби долзарб мавзуларга бағишланмоқда.

Машғулотларда шифокорлар, психологлар, ҳуқуқшунос мутахассислар иштирок этиб, ёшларга зарур билим ва кўникмаларни ўргатаётир. Эл орасида обрў-эътиборга эга нуроний отахон ва онахонлар билан учрашувлар йигит-қизларда миллий қадриятларимизга эҳтиром туйғусини кучайтирмоқда.

Соғлом она ва бола йилида ушбу йўналишдаги вазифаларни янада кенгайтириш мақсадида туман ФҲДЁ бўлими мутахассислари иш режалари ва тарғибот лойиҳаларини такомиллаштириш, бундай тадбирларнинг таъсирчанлигини янада ошириш юзасидан изланмоқда. Бундай тадбирларни ташкил этишда давлат ва жамоат ташкилотлари, таълим муассасалари, жумладан, маҳаллалар билан ҳамкорликни кенгайтиришга устувор аҳамият қаратилмоқда. Зеро, бугунги кунда жамиятимизда кўплаб долзарб масалаларнинг ечимини топишда маҳалланинг иштироки кенгайиб бораётир. Жумладан, маҳаллаларимизда аҳоли орасида ҳуқуқий онг ва тиббий маданиятни юксалтириш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

– Маҳалламизда бу йўналишдаги тадбирларни уюштиришда хотин-қизлар қўмиталари, тиббиёт ва таълим масканлари, ФҲДЁ бўлимлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган, – дейди Шайхонтоҳур туманидаги "Камолон" маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Маъсуда Маҳкамова. – Саломатлик секторлари ташкил этилиб, оилаларда тиббий патронаж тадбирларини самарали ўтказиш, бу жараёнда ҳар бир хонадонни тўлиқ қамраб олиш, оиланинг тиббий-ижтимоий ҳолатини чуқур ўрганиб, оналик ва болаликка салбий таъсир этувчи муаммоларни бартараф этишга эришмоқдамиз. Президентимиз ташаббуси билан эълон қилинган Соғлом она ва бола йилида бу йўналишдаги ишларни тизимли равишда давом эттириш мақсадида тегишли вазифаларни белгилаб олдик. Мақсадимиз жамиятимиздаги ислоҳотлардан ҳар бир инсон, хусусан, оналар ва болаларнинг тўлиқ баҳраманд бўлишига эришишдир.

**Баҳор ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири.**






ЭЪЛОН

## БИЛДИРИШНОМА

"Қишлоқ ҳаёти" газетасининг 20015 йил 27 ноябрдаги № 141 (8534)-сонида чоп этилган эълон бўйича "IBRAT RIELTOR SERVIS" МЧЖ томонидан ташкиллаштирилган очиқ аукцион савдосида сотилмай қолган ер участкаларининг такрорий аукцион савдолари 2016 йил 18 январь, шу куни сотилмай қолган тақдирда 2 февраль куни, шу куни сотилмай қолган тақдирда 17 февраль куни соат 10:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2015 йил 18 январдаги такрорий савдолар учун 2016 йил 15 январь, 2 феврал учун 1 февраль, 17 февраль учун 16 февраль кунлари соат 18:00 гача.

Аризалар мазкур хабарнома эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 10:00 дан 18:00 гача савдо ташкилотчиси жойлашган манзилда қабул қилинади (12:00 дан 14:00 гача тушлик).

**Лицензия: RR-0214.**

ЭЪЛОН

ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!

# СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР ҚУРИЛИШИ БЎЙИЧА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАРНИ ТАНЛАШ ЮЗАСИДАН ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Лот 1-1. Сурхондарё вилояти Денов туманидаги 56-сонли мактаб учун 12x24 м. ўлчамдаги (ёрдамчи хўжалик бинолари билан биргаликда) спорт зал қурилиши.**

**Бошланғич нархи:** ҚҚС билан 686,126 млн. сўм, ҚҚСсиз 571,771 млн. сўм. **Қурилиш муддати** – 150 кун.

**Лот 1-2. Сурхондарё вилояти Денов туманидаги 86-сонли мактаб учун 12x24 м. ўлчамдаги (ёрдамчи хўжалик бинолари билан биргаликда) спорт зал қурилиши.**

**Бошланғич нархи:** ҚҚС билан 682,046 млн. сўм, ҚҚСсиз 568,371 млн. сўм. **Қурилиш муддати** – 150 кун.

**Лот 1-3. Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туманидаги 46-сонли мактаб учун 12x24 м. ўлчамдаги (ёрдамчи хўжалик бинолари билан биргаликда) спорт зал қурилиши.**

**Бошланғич нархи:** ҚҚС билан 707,221 млн. сўм, ҚҚСсиз 589,350 млн. сўм. **Қурилиш муддати** – 150 кун.

**Лот 1-4. Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туманидаги 70-сонли мактаб учун 12x24 м. ўлчамдаги (ёрдамчи хўжалик бинолари билан биргаликда) спорт зал қурилиши.**

**Бошланғич нархи:** ҚҚС билан 692,0 млн. сўм, ҚҚСсиз 576,666 млн. сўм. **Қурилиш муддати** – 150 кун.

**Лот 1-5. Сурхондарё вилояти Музработ туманидаги 18-сонли мактаб учун 12x24 м. ўлчамдаги (ёрдамчи хўжалик бинолари билан биргаликда) спорт зал қурилиши.**

**Бошланғич нархи:** ҚҚС билан 703,605 млн. сўм, ҚҚСсиз 586,337 млн. сўм. **Қурилиш муддати** – 150 кун.

**Лот 4-1. Сурхондарё вилояти Музработ туманидаги 42-сонли мактаб учун 12x24 м. ўлчамдаги (ёрдамчи хўжалик бинолари билан биргаликда) спорт зал қурилиши.**

**Бошланғич нархи:** ҚҚС билан 688,426 млн. сўм, ҚҚСсиз 573,688 млн. сўм. **Қурилиш муддати** – 150 кун.

**Лот 4-2. Сурхондарё вилояти Узун туманидаги 22-сонли мактаб учун 12x24 м. ўлчамдаги (ёрдамчи хўжалик бинолари билан биргаликда) спорт зал қурилиши.**

**Бошланғич нархи:** ҚҚС билан 697,630 млн. сўм, ҚҚСсиз 581,358 млн. сўм. **Қурилиш муддати** – 150 кун.

**Лот 4-3. Сурхондарё вилояти Денов туманидаги 11-сонли мактаб учун 12x24 м. ўлчамдаги (ёрдамчи хўжалик бинолари билан биргаликда) спорт зал қурилиши.**

**Бошланғич нархи:** ҚҚС билан 677,725 млн. сўм, ҚҚСсиз 564,770 млн. сўм. **Қурилиш муддати** – 150 кун.

**Лот 4-4. Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туманидаги 56-сонли мактаб учун 12x24 м. ўлчамдаги (ёрдамчи хўжалик бинолари билан биргаликда) спорт зал қурилиши.**

**Бошланғич нархи:** ҚҚС билан 718,051 млн. сўм, ҚҚСсиз 598,375 млн. сўм. **Қурилиш муддати** – 150 кун.

**Лот 4-5. Сурхондарё вилояти Бойсун туманидаги 29-сонли мактаб учун 9x18 м. ўлчамдаги (ёрдамчи хўжалик бинолари билан биргаликда) спорт зал қурилиши.**

**Бошланғич нархи:** ҚҚС билан 505,001 млн. сўм, ҚҚСсиз 420,834 млн. сўм. **Қурилиш муддати** – 150 кун.

**Лот 7-1. Сурхондарё вилояти Бойсун туманидаги 18-сонли мактаб учун 9x18 м. ўлчамдаги (ёрдамчи хўжалик бинолари билан биргаликда) спорт зал қурилиши.**

**Бошланғич нархи:** ҚҚС билан 521,753 млн. сўм, ҚҚСсиз 434,794 млн. сўм. **Қурилиш муддати** – 150 кун.

**Лот 7-2. Сурхондарё вилояти Сариосиё туманидаги 64-сонли мактаб учун 12x24 м. ўлчамдаги (ёрдамчи хўжалик бинолари билан биргаликда) спорт зал қурилиши.**

**Бошланғич нархи:** ҚҚС билан 692,841 млн. сўм, ҚҚСсиз 577,367 млн. сўм. **Қурилиш муддати** – 150 кун.

**Лот 7-3. Сурхондарё вилояти Термиз туманидаги 24-сонли мактаб учун 12x24 м. ўлчамдаги (ёрдамчи хўжалик бинолари билан биргаликда) спорт зал қурилиши.**

**Бошланғич нархи:** ҚҚС билан 691,224 млн. сўм, ҚҚСсиз 576,020 млн. сўм. **Қурилиш муддати** – 150 кун.

**Лот 7-4. Сурхондарё вилояти Денов туманидаги 34-сонли мактаб учун 18x30 м. ўлчамдаги (ёрдамчи хўжалик бинолари билан биргаликда) спорт зал қурилиши.**

**Бошланғич нархи:** ҚҚС билан 1092,887 млн. сўм, ҚҚСсиз 910,739 млн. сўм. **Қурилиш муддати** – 180 кун.

**Лот 7-5. Сурхондарё вилояти Ангор туманидаги 12-сонли мактаб учун 12x24 м. ўлчамдаги (ёрдамчи хўжалик бинолари билан биргаликда) спорт зал қурилиши.**

**Бошланғич нархи:** ҚҚС билан 694,954 млн. сўм, ҚҚСсиз 579,128 млн. сўм. **Қурилиш муддати** – 150 кун.

**Юқоридаги объектларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш** – Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**Лот 2-1. Сурхондарё вилояти Денов туманидаги Тиббиёт йўналишидаги касб-ҳунар коллежини мукаммал таъмирлаш.**

**Бошланғич нархи:** ҚҚС билан 645,164 млн. сўм, ҚҚСсиз 537,636 млн. сўм. **Қурилиш муддати** – 120 кун.

**Лот 2-2. Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги Қишлоқ хўжалиги йўналишидаги касб-ҳунар коллежи биносини мукаммал таъмирлаш.**

**Бошланғич нархи:** ҚҚС билан 847,320 млн. сўм, ҚҚСсиз 706,100 млн. сўм. **Қурилиш муддати** – 180 кун.

**Лот 2-3. Сурхондарё вилояти Қизириқ тумани Кунчиқиш маҳалласидаги 450 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи биносини 60 ўқувчи ўринли ўқув ишлаб чиқариш устахонаси билан биргаликда мукаммал таъмирлаш.**

**Бошланғич нархи:** ҚҚС билан 658,869 млн. сўм, ҚҚСсиз 549,0575 млн. сўм. **Қурилиш муддати** – 120 кун.

**Лот 2-4. Сурхондарё вилояти Музработ тумани Янгиобод қишлоғидаги Қишлоқ хўжалиги йўналишидаги касб-ҳунар коллежи биносини мукаммал таъмирлаш.**

**Бошланғич нархи:** ҚҚС билан 826,453 млн. сўм, ҚҚСсиз 688,710 млн. сўм. **Қурилиш муддати** – 240 кун.

**Лот 3-1. Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани "Хуфар" ҚФЙдаги 180 ўқувчи ўринли 8-сонли мактабни реконструкция қилиш.**

**Бошланғич нархи:** ҚҚС билан 662,754 млн. сўм, ҚҚСсиз 552,295 млн. сўм. **Қурилиш муддати** – 210 кун.

**Лот 3-2. Сурхондарё вилояти Ангор туманидаги 26-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш.**

**Бошланғич нархи:** ҚҚС билан 206,579 млн. сўм, ҚҚСсиз 172,149 млн. сўм. **Қурилиш муддати** – 90 кун.

**Лот 3-3. Сурхондарё вилояти Олтинсой туманидаги 880 ўқувчи ўринли 54-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш.**

**Бошланғич нархи:** ҚҚС билан 1172,743 млн. сўм, ҚҚСсиз 977,285 млн. сўм. **Қурилиш муддати** – 210 кун.

**Лот 3-4. Сурхондарё вилояти Музработ туманидаги 210 ўқувчи ўринли 4-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш.**

**Бошланғич нархи:** ҚҚС билан 405,632 млн. сўм, ҚҚСсиз 338,027 млн. сўм. **Қурилиш муддати** – 150 кун.

**Лот 3-5. Сурхондарё вилояти Сариосиё туманидаги 67-сонли мактабни реконструкция қилиш (180 ўқувчи ўринли ўқув биноси қуриш билан).**

**Бошланғич нархи:** ҚҚС билан 596,160 млн. сўм, ҚҚСсиз 496,800 млн. сўм. **Қурилиш муддати** – 210 кун.

**Лот 5-1. Сурхондарё вилояти Музработ туманидаги 20-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш.**

**Бошланғич нархи:** ҚҚС билан 867,039 млн. сўм, ҚҚСсиз 722,532 млн. сўм. **Қурилиш муддати** – 180 кун.

**Лот 5-2. Сурхондарё вилояти Музработ туманидаги 140 ўқувчи ўринли 34-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш.**

**Бошланғич нархи:** ҚҚС билан 162,714 млн. сўм, ҚҚСсиз 135,595 млн. сўм. **Қурилиш муддати** – 150 кун.

**Лот 5-3. Сурхондарё вилояти Денов тумани Ўзгариш"маҳалласидаги 38-сонли мактабни реконструкция қилиш (180 ўқувчи ўринли ўқув биноси қуриш билан).**

**Бошланғич нархи:** ҚҚС билан 522,553 млн. сўм, ҚҚСсиз 435,461 млн. сўм. **Қурилиш муддати** – 180 кун.

**Лот 5-4. Сурхондарё вилояти Шеробод тумани "Сеплон" ҚФЙ Бойбулоқ маҳалласидаги 37-сонли мактабни реконструкция қилиш.**

**Бошланғич нархи:** ҚҚС билан 510,003 млн. сўм, ҚҚСсиз 425,002 млн. сўм. **Қурилиш муддати** – 180 кун.

**Лот 5-5 Сурхондарё вилояти Шўрчи туманидаги 34-сонли мактаб филиалини реконструкция қилиш (80 ўқувчи ўринли ўқув биноси қуриш билан).**

**Бошланғич нархи:** ҚҚС билан 364,261 млн. сўм, ҚҚСсиз 303,551 млн. сўм. **Қурилиш муддати** – 180 кун.

**Лот 5-6. Сурхондарё вилояти Шўрчи туманидаги 31-сонли мактаб филиалини реконструкция қилиш (80 ўқувчи ўринли ўқув биноси қуриш билан).**

**Бошланғич нархи:** ҚҚС билан 357,578 млн. сўм, ҚҚСсиз 297,981 млн. сўм. **Қурилиш муддати** – 180 кун.

**Лот 6-1. Сурхондарё вилояти Ангор туманидаги 33-сонли мактабни реконструкция қилиш (180 ўқувчи ўринли ўқув биноси қуриш билан).**

**Бошланғич нархи:** ҚҚС билан 683,779 млн. сўм, ҚҚСсиз 569,816 млн. сўм. **Қурилиш муддати** – 240 кун.

**Лот 6-2. Сурхондарё вилояти Денов туманидаги 11-сонли мактабни реконструкция қилиш (180 ўқувчи ўринли ўқув биноси қуриш билан).**

**Бошланғич нархи:** ҚҚС билан 601,348 млн. сўм, ҚҚСсиз 501,123 млн. сўм. **Қурилиш муддати** – 210 кун.

**Лот 6-3. Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туманидаги 8-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш.**

**Бошланғич нархи:** ҚҚС билан 779,438 млн. сўм, ҚҚСсиз 649,531 млн. сўм. **Қурилиш муддати** – 180 кун.

**Лот 6-4. Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги 21-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш.**

**Бошланғич нархи:** ҚҚС билан 808,843 млн. сўм, ҚҚСсиз 674,035 млн. сўм. **Қурилиш муддати** – 180 кун.

**Юқоридаги объектларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш** – Бюджетдан ташқари таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**Буюртмачи:** Сурхондарё вилояти ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси. Манзил: Термиз шаҳри А.Бакуменко кўчаси 5-уй. Тел.: (0-376) 221-49-71, 221-49-80, 221-49-85 ф.

*Марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобига молиялаштириладиган объектларда қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун ўтказиладиган танлов савдоларига фақат Қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрига киритилган қурилиш ташкилотларининг иштирок этишларига рухсат этилади.*

**Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга жавоб бериши керак:** танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик – муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

**Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади:** танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1475-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 апрелдаги 100-сонли қарорларига асосан барча мукаммал таъмирланадиган ҳамда қурилиш қиймати 500 млн. сўмгача бўлган янгидан қуриладиган ва реконструкция қилинадиган объектларнинг танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади, қурилиш қиймати 500 млн. сўмдан юқори бўлган янгидан қуриладиган ва реконструкция қилинадиган объектларнинг танлов савдоларида офёрталар баҳоланиб, кўрсаткичлар тенг бўлганда устунлик кичик бизнес субъектларига берилади.*

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – **"Даврхитектқурилиш" қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг маркази**га қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: Термиз шаҳри Тараққиёт кўчаси 36А-уй. Телефон/факс: (0-376) 223-44-73, 223-44-78 ф.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи объект қийматига қараб – 70 000 сўмдан 100 000 сўмгача.

Таклифлар (офёрталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати – офёрталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (офёрталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин Термиз шаҳри Тараққиёт кўчаси 36А-уйда ўтказилади.













**Бош муҳаррир:** Чори ЛАТИПОВ

**МУАССИСЛАР:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Шуҳрат ТЕШАЕВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Содиқжон ТУРДИЕВ, Омонулла ЮНУСОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2010-7021

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
Қабулхона — 236-26-50, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-26-49, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-26-35, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-76-78, Факс — 233-44-43, 233-09-93.

**ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:**
Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04; ВИЛОЯТЛАР: Андижон – (+99893) 630-73-03; Бухоро – (+99891) 401-29-59; Жиззах – (+99890) 310-06-99; Навоий – (+99894) 374-77-62; Наманган – (+99893) 948-53-86; Фарғона – (+99890) 407-76-03; Самарқанд – (+99893) 994-57-08; Сирдарё – (+99894) 168-23-60; Сурхондарё – (+99890) 519-86-50; Тошкент – (+99890) 976-39-58; Хоразм – (+99890) 438-71-25; Қашқадарё – (+99891) 635-08-03.

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР:** 236-26-50, 233-28-04.

**Навбатчи муҳаррир:** Ш.ЙЎЛДОШЕВ
**Мусаҳҳиҳ:** М.БОБОМУҲАММЕДОВА
**Дизайнер:** Н.ТЕМИРОВ

Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. | Буюртма Г-119, ҳажми 2 босма табоқ. | Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. | Босишга топшириш вақти: 21.00 Босишга топширилди: 20.50 23246 нусхада чоп этилди. Нашр индекси — 144 | Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. | E-mail: info@qishloqhayoti.uz | Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди. | “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй. | 1 2 3 4 5